

**ДЕВОНЧИЛИК АНЬАНАСИДА АЛИШЕР НАВОЙИ ИЛГАРИ  
СУРГАН ТАЛАБЛАР**  
**DEMANDS ADVANCED BY ALISHER NAVAI IN THE TRADITION  
OF DEVONISM**

**Шомуродова Ситора Хошим қизи,  
Халқаро Нордик университети доценти,  
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Алишер Навоининг девончиликка доир қарашлари таҳлил қилинган. Шоирнинг “Бадое ул-бидоя” девонида девон тузиш анъанасининг назарий асослари баён этилгани алоҳида таъкидланган. Алишер Навоининг тузган девонлари ўзи илгари сурган талаблар асосида тартиб берилгани тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** анъана, девон, девончилик, алифбо тартиби, ғазаллар мазмунни, жанрлар, новаторлик.

**Abstract.** This article analyzes Alisher Navoi's views on the divan system. It is emphasized that the poet's divan "Badoye ul-bidoya" outlines the theoretical foundations of the tradition of compiling divans. It is studied that the divans compiled by Alisher Navoi were organized based on the requirements he put forward.

**Keywords:** tradition, divan, divanism, alphabetical order, content of ghazals, genres, innovation

Шарқда девон тузиш шоирнинг етуклик белгиси ҳисобланган. Ўзбек адабиётида соҳиби девон шоирлар бир қадар улуғланган. Шоирнинг девон тартиб бериши унинг муҳлислари олдиғаги бир ҳисоботи янглиғ қабул қилинган. Мумтоз адабиётимизда Алишер Навоийга қадар ҳам соҳиби девон шоирлар яшаб ўз ижодий меросларини қолдиришган. Шулар қаторида Атойи, Гадоий, Лутфий ва Саккокий девонларининг оригинал бадиий топилмалари, беқиёс ғазаллари билан ҳалигача ўқувчини ўзига жалб қилиб кемоқда.

Мумтоз ўзбек девончилиги ҳақида мулоҳаза юритганда Алишер Навоининг “Бадойиъ ул-бидоя” девонидаги фикрлар мумтоз девончиликнинг назарий асослари вазифасини бажарганига амин бўлиш мумкин. Шоир ўзи тартиб берган биринчи девони учун маҳсус кириш қисм – “Дебоча” ёзди ва бу сўзбошида ғазалчилик, адабиёт, девон тузиш одоби ҳақида фикрларини баён этди. Девон тузиш одоби дейишнинг боиси у узоқ йиллар девон тузишга истиҳола қилган, шоирнинг “Илк девон”и муҳлислари томонидан тузилгани каби, Озарбайжондаги ихлосмандлари томонидан “Оққўюнлилар девони” ҳам тартиб берилган. Ўзининг маълум муддат девон тузмагани ҳақида ҳам тўхталиб ўтган:

Иш анга жунун, манзил анга майхона,  
Девон ясамоқни не билур девона?!<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 11.

дэя ниҳоятда камтарлик билан, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Саккокий каби шоирларнинг девон тузгани ҳақида ёзади ва бундай буюк даҳолар олдида тадвинга (девон тартиб беришга) журъат қилолмаслигини таъкидлайди: “*Ва яна дөги латофатишиор нозимлар заройиғи ва зарофатисор роқимлар латойиғи ҳар ёндин истимӯ тушарким, кўпраги газал услугига машгул ва айтилғон газалларидин кўпраги матбуъ ва мақбулдур. Маъно дарёсида мунча гаввос орасида бир биёбонга хўй қилган девонаким, шино фанидин дөги бегона бўлгай, ўзин не навъ бу дарёга солгай ва солса ҳам, не гавҳар топа олгай?*”<sup>2</sup> Яъни Алишер Навоий ўзидан олдинги салафларини маъно денгизидан дур топгувчи ғаввосларга, ўзини эса сахрода юришга одатланган девонага қиёсларкан, муболаға санъати воситасида ажойиб лутф қиласи: сувда сузиш хунаридан тамоман хабарсиз бўлган инсон, ўзини қандай қилиб дарёга ташлаши мумкин ва бу дарёдан қандай гавҳар топа олсин?

Бу ҳақда адабиётшунос олима Дилором Салоҳий шундай ёзади: “Навоий девон тузиш ишини орқага суриб юриши бизнинг назаримизда бир жиҳатдан, унинг ижодий ишга ўта масъулият билан қараганлиги бўлса, иккинчидан, Алишер Навоийнинг шахсиятига хос ўта камтарлик ҳамда ориятчанлик билан изоҳланади. Ваҳоланки, дебочада шоирнинг ўзи эътироф қилишича, унинг шеърлари адабий гурунг ва мажлисларда зўр иштиёқ билан тингланган ва юқори баҳоланган”.<sup>3</sup> Бу камтарлик асло Ҳазрат Навоийнинг даражасини туширмайди, аксинча, устозларига бўлган эҳтироми сабаб, муаллифни ўқувчи олдида севимли қиласи. Алишер Навоий шу андиша сабаб узоқ йиллар девон тузмасдан юрганини, бу жараён то Ҳусайн Бойқаро тахтга чиққунча давом этганини ёзаркан, шоҳни ниҳоятда юксак таърифлар билан тавсифлайди.

“Шаҳеким, васфи юз минг йил туганмас, деса юз минг тил,  
Бу айтилғонча юз минг бил, яна ҳар бирни юз минг қил.  
Ки юз мингдин бири зикр ўлмағай зикр ўлса юз минг қарн,  
Бу юз минг қаридин ҳам бўлса ҳар бир лаҳза юз минг йил”.<sup>4</sup>

Шу каби сўз ўйинлари воситасида шоҳни улуғлар экан, Ҳусайн Бойқаронинг Навоий шеърларининг илк эшитувчиси ва илк танқидчиси эканини ҳам уқтиради: “*Ва дурагор тилига мажсолисда баъзи абётим мазкур ва гавҳарнисор илгига маҳофилда баъзи газалиётим мастур бўлур эрди. Ва гоҳи иборатим қусурин тағиyr бермак била айбдин мубарро, ва гоҳи маонийимдин футурин ислоҳ қилмоқ била нуқсондин муарро қилур эрди*”.<sup>5</sup> Бу сатрлардан кўришимиз мумкинки, Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳазрат Навоийнинг илк тингловчиси ва илк танқидчиси ҳам бўлган. “Навоий ва Бойқаро ўрталаридаги ёзишмалар, Мирхонд, Хондамир, Восифий, Давлатшоҳ, Исфизорий, Жалолиддин Юсуф каби тарихчиларнинг асарларида

<sup>2</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 12.

<sup>3</sup> Салахутдинова Д.И. «Бадойиъ ул-бидоя» девони ва бадий санъаткорлик масалалари. // Филология фанлари номз. ...дисс. – Самарқанд, 1993. 25-б.

<sup>4</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 13.

<sup>5</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 15.

маълумот берилишича, шоирнинг деярли ҳамма асарларини тезроқ китоб ҳолига келтирилишига шахсан подшоҳ Ҳусайн Бойқаронинг ўзи бошу қош бўлиб турган”.<sup>6</sup>

1.“Бадое ул-бидоя” муаллифи шеърият, ўз шеърларининг халқ орасида машхур бўлгани ва Ҳусайн Бойқаронинг таклифи билан девон тузишга киришгани ҳақида тўхталаркан, ўз девонининг бошқаларникига ўхшамайдиган тарзда тузишга қарор қилганини айтиб ўтади: “*ким, ҳар кишиким девон тартиб қилибдуур, ўттиз икки ҳарфдинки, ҳалойик иборатида воқиъдуур ва улус китобатида шойиъ, тўрт ҳарфга таарруз қилмайдуурлар. Чун сўз аруси назм ҳарирининг матбуъ кисватин ва мавзун хильъатин кийиб, жилва оғоз қилса, ҳуққайи ёқути дози ўттуз иккита гавҳардин қачонким тўртига нуқсон воқиъ бўлса, муқаррапардурким, жамолига андин қусур ва қаломига андин футур воқиъ бўлгусидуур*”.<sup>7</sup> Бу ўринда Алишер Навоий девончиликдаги асосий талаб: ғазаллар мисраларининг сўнгги ҳарфини алифбо тартибида жойлаштириш масаласига тўхталади. Навоийга қадар тадвин тартибида араб алифбосидаги 28 ҳарф мезон қилиб олинарди. Маълумки, араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида форслар араб ҳарфларига қўшимча тарзда қўшган 4 ҳарф бор эди: булар ж(аждар), п, ч, г ҳарфлари. Ўзбек тилида юқоридаги ҳарфлар билан тугаган сўзлар талайгина эканини ҳисобга олсак, албатта, тадвинда 28 эмас, балки 32 ҳарфда тугаган мисрали ғазаллар келтириш ўринли бўлади. Демак, Алишер Навоийнинг дастлабки талаби алифбо тўғрисидаги мезондир. Шу тариқа, Ҳазрат Навоий тадвин тартибидаги бир қатор камчиликлар, нуқсонлар ҳақида мулоҳазаларини баён этади.

2. Мумтоз адабиётда ҳар бир асар ҳамд ва наът билан бошланган. Алишер Навоий девонларни ҳамд ва наът руҳидаги ғазаллар билан бошлаш лозимлигини таъкидлайди: “*Яна буқим, ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битиган газал била ўзга газаллар орасида услуб хайсиятидин тафовут риоят қилмайдуурлар. Муқаррапардурким, ҳар амрда бир лаҳза ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳамдидин ё расул алайҳис-салом наътидин, ё бу икки ишга далолат қилурдек бир амрдин ғофил бўлмамоғлиқ авлодуур*”.<sup>8</sup> Юқоридаги фикрларда муаллиф ғазалларининг мавзу-мундарижасига эътиборни қаратади. Ғазалларни жойлаштиришда, аввало, Яратганга ҳамд ва Пайғамбар (с.а.в.)га наът руҳидаги ғазаллар берилishi, ундан сўнг панд-насиҳат йўсинида битилган шеърлар, ундан кейингина ишқ-муҳаббат руҳидаги ғазаллар келтирилиши лозимлигини Навоий айтиб ўтган ва ўз девонларида бунга амал қилганини ҳам кўриш мумкин. Бу фикрларининг исботи сифатида Ҳазрат куйидаги сатрларни келтириб ўтади:

Гарчи эрур Тенгри таоло сўзи  
Боштин-аёғига қаломи қадим.  
Кўрки, эрур аввали ҳар суранинг

<sup>6</sup> Салахутдинова Д.И. “Бадое ул-бидоя” девони ва бадиий санъаткорлик масалалари. // Филология фанлари номз. ...дисс. – Самарқанд, 1993. 29-б.

<sup>7</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 20.

<sup>8</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 20.

“Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим”.<sup>9</sup>

Яъни, гарчи ҳар бир сўзи Аллоҳники бўлса-да, Куръони каримдаги ҳар бир сура “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” калимаси билан бошланади. Шу далилнинг ўзиёқ ғазалларни девонга жойлаштиришда аввало ҳамд ва наът мавзусидаги ғазаллардан бошлаш лозим эканини билдиради.

Мумтоз адабиёт билимдони, устозимиз профессор М.Муҳиддинов ҳамд ва наътлар хусусида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Бизнинг фикримизча, ҳамд ва наътлар муаллиф дунёқарашини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга... “ҳамд” ва “наът”да қасида хусусияти бор, яъни таъриф-тавсифи, тил услуби кўтаринки рух билан ёзилган. Лекин қасиданинг шакл, қофияланиш тартиби бошқа (аа, ба, ва...), бундан ташқари, қасида жанрининг обьекти “наът-ҳамд”лардан фарқ қиласи. Наът-ҳамдларда муаллифнинг фалсафий мушоҳадалари ҳам ифодаланган”<sup>10</sup>.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам тадвинида шу қоидага риоя қилган. Ҳар янги ҳарф бошланганда, шу ҳарф билан тугаган ғазаллар ичидан Аллоҳга ва пайғамбар(с.а.в.)га бағищланганини ёки мавъиза мазмунидаги ғазални биринчи ўринга жойлаштиришга ҳаракат қилган. Буни унинг қуйидаги фикрларидан ҳам билишимиз мумкин: “*Бу навъ хаёле хотирға келган учун ҳар ҳарф газалиётининг аввалги газалини ё тангри таоло ҳамди била мувавишаҳ, ё расул алаиҳис-салом наъти била муфаттаҳ, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлгай, мувассаҳ қилинди*”.<sup>11</sup> Кўриниб турибдики, шоирнинг тадвин, тағazzул борасидаги фикрлари анчайин танқидий бўлган.

3. Алишер Навоий девонда фақатгина ишқ-муҳаббат мазмунидаги шеърлар бўлишини, шеърда эса фақатгина ишқий ҳайқириқлар бўлиб, бирор байт ҳам маърифатомуз мазмунга эга бўлмаслигини қаттиқ қоралайди: “*Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон тақмилидин гараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсад зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир газал топилмагай ва газал бўлгайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмагай*”.<sup>12</sup> Шоир бу каби девон тузмоқ меҳнатни беҳудага совурмоқ эканлигини таъкидлар экан, шеъриятдан мақсад, аввало, маърифат бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди. Айни шу сатрлар орқали Алишер Навоийнинг шоир сифатидаги ижтимоий позицияси ўзини намоён қиласи. Демак, Алишер Навоий илгари сурган учинчи талаб ғазалларнинг маърифий характерда бўлиши, ҳеч бўлмагандан бир байтининг мавъиза мазмунида бўлиши лозимлиги эди.

4. Ғазалларнинг мазмунига ўта талабchan бўлган шоир уларда мазмун муштараклиги ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлайди: “*Ва агар аҳёнан матлае маҳсус навъда воқиъ бўлғон бўлса, ҳамул матлаъ услуби била иттом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугангунча агар*

<sup>9</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 21.

<sup>10</sup> Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 36

<sup>11</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 21.

<sup>12</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 21.

*бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилибдуур.*<sup>13</sup> Улуг шоир бу ўринда ғазал матлаъда қандай бошланган бўлса, қолган байтларда ҳам шундай давомийлик касб этиши лозимлигини, яъни ғазалнинг мазмун жиҳатдан якпора бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Ғазал жанрини А.Қаюмов, Ф.Каримов, О.Носиров ҳамда Р.Орзивеков каби адабиётшунос олимлар муайян хусусиятларига кўра ўрганишган. Жумладан, О.Носиров “Ўзбек адабиётида ғазал” китобида ғазалнинг жанр сифатидаги хусусиятлари, тараққиёт босқичлари, етакчи тамойиллари, ғоявий жиҳатдан турлари, бошқа лирик ва эпик жанрлар билан алоқаси ҳақида тўхталган.<sup>14</sup> Шунингдек, олим мазкур рисоласида ғазалнинг мазмуний турлари ҳамда шаклий турларини бир жиҳатдан навларга ажратади. Яъни орифона, ошиқона, риндана мавзудаги ғазаллар таснифига ғазалнинг шаклий турлари: хусни матлаъ, мусажжа, муламмаъ, мувашшаҳ, зебқофия каби турларини ҳам киритади. Бу эса муайян бадиий санъатнинг ғазалда қўлланилиши ғазалнинг янги навини ҳосил қилгандай таассурот уйғотади. Шу боисдан Р.Орзивеков “Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат” китобида бу таснифга бир қатор эътиrozларини билдириб ўтган. Олим бадиий санъатлар жанр яратмаслиги, аксинча, муайян жанрнинг такомилига ҳисса бўлиб қўшилишини таъкидлайди: “Классик адабиётдаги бадиий санъат ва усулларнинг эса мазмунини очиш ва гўзал қилиб ифодалашдаги роли қанчалик сезиларли ва муҳим бўлмасин, уларнинг таъсир доираси кўпроқ ижоднинг поэтик дунёсига алоқадордир, улар бадиий-эстетик категориялар сифатида асосан, санъатда гўзаллик, нафосат, таъсирчанликни юзага келтириш ва кучайтиришга хизмат этадилар”.<sup>15</sup>

Ғазаллар, байтлар мустақиллиги, яъни қўшмисраларнинг ўзаро боғлиқлиги, мантиқий кетма-кетлиги ва бир-бирини тақозо этиши даражасига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

1. Пароканда ғазаллар - бунда байтлар бир-биридан ўта мустақил бўлади, уларнинг ўрни алмаштирилса ҳам, унчалар сезилмайди.
2. Якпора ғазаллар - бунда байтлар мантиқан кетма-кетликка эга бўлади.
3. Воқеабанд ғазаллар - бунда байтлар кетма-кетлигини сюжет, яъни муайян воқеа тасвири бошқаради.
4. Мусалсал ғазаллар - бунда байтлар ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлади, маъно-мантиқ жиҳатидан кучли тарзда бири иккинчисини тақозо этиб келади.

Алишер Навоийнинг юқорида келтирилган танқидий фикрлари пароканда ғазал ҳақида эканини сезиш қийин эмас. Демак, Алишер Навоӣ ғазал байтларининг мазмунан узоқ бўлишини ёқламаган, балки якпора, мусалсал ғазалларга эътибори кучлироқ бўлган. О.Носиров ғазал байтларидаги мазмун ва бу мазмуний алоқа ҳақида қуйидагича таъриф

<sup>13</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 22.

<sup>14</sup> Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 136 б.

<sup>15</sup> Орзивеков Р. Ўзбек адабиётида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан 1976. – Б. 20.

беради: “Ғазалнинг матлаи билан мақтаи орасида маълум мазмуний алоқа мавжуд бўлади. Агар матлаъ бирор тезисни қўйса, мақта ўша тезисни шарҳловчи ўзидан олдинги байтлардаги фикрларни умумлаштиради, якунлайди, лирик ёки фалсафий хотима ясайди.”<sup>16</sup> Олим, умуман, ғазал жанрига якпора ва мусалсал ғазалга бериладиган таърифни бермоқда. Демак, назария амалиётга қараб ҳосил қилинадиган бўлса, якпора ғазалларнинг кўлами кўпроқ ва залварлироқ бўлгани учун ҳам ғазал байтларининг мавзумундарижаси ҳақида юқоридаги тавсифга қўшилиш мумкин.

5. Бундан ташқари, Алишер Навоий тадвин тартибида ғазалдан бошқа жанрларга ҳам эътибор бериш лозимлигини уқтирар экан, ўз девонининг ҳам турли жанрдаги шеърий асарлар билан музайян қилганини таъкидлайди: “Яна маснавий била қасойиддин бошқаким, иниооллоҳ, алар дөзи ҳар қайси бошқа мужсаллад бўлгай, ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат; ва муфиод рубоиёт, барча латофатомиз; ва нофиъ муқаттаот, барча манфаатангиз; ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойидул-ҳад; ва беназир фардолар, барча лутфу равонлиқда муфрад; ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмоқда сотир; ва киромий лугзлар, барчанинг мабтунлуғи зоҳир; ва мусалсал таржисълар, барча марғуб; ва мұътадил туюғлар, барча туркий услугуб бу абёт зайлода мухайял ва бу ашъор хайлида музайян бўлди”<sup>17</sup>. **Бешинчи талаб девонда жанрлар хилма-хиллигини таъминлаш билан боғлиқ.**

Алишер Навоий ўзбек адабиётининг ҳар бир соҳасида бўлгани каби девончиликда ҳам ниҳоятда катта ўзгаришларни амалга оширган. Алишер Навоийнинг девон тузиш анъясига доир қарашлари этalon даражасига кўтарилигани ҳақида адабиётшунос олим А.Муҳаммадиев шундай ёзди: “Девон тузишнинг Алишер Навоий мерос анъаналарига хос бўлган унсурлар – ҳамд-наътнинг киришда акс этиши, алифбодаги барча ҳарф билан тугалланувчи ғазалларнинг бўлиши, жанрларнинг тадрижий жойлаштирилиши ва бошқа жами беш хусусиятдан иборат тизим бадиий жозибаларнинг композицион яхлит асар ҳолатига келтириш қурилмаси сифатида беҳад қадрли аҳамият касб этди”.<sup>18</sup>

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, девончилик анъяси асрлар оша мумтоз шоирларимиз томонидан давом эттириб келинди. Бу анъана Алишер Навоий девонлари орқали ўзининг ҳадди аълосига етган. Улуғ шоир “Бадое ул-бидоя” девонининг “Дебоча”сида девон тартиб беришга қўйиладиган талабларга тўхталиб ўтган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005.
2. Муҳаммадиев А. Муҳийининг туркий ва форсий девони поэтикаси. – Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Самарқанд-2008. 32 б.

<sup>16</sup> Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.

<sup>17</sup> Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987.

<sup>18</sup> Муҳаммадиев А. Муҳийининг туркий ва форсий девони поэтикаси. – Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Самарқанд-2008.

3. Навоий А. МАТ. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987.
4. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
5. Орзабеков Р. Ўзбек адабиётида ғазал ва мусаммат. – Тошкент: Фан 1976.
6. Салахутдинова Д.И. “Бадоевъ ул-бидоя” девони ва бадиий санъаткорлик масалалари. // Филология фанлари номз. ...дисс. – Самарқанд, 1993.
7. Shomurodova, S. (2024). Zamonaviy o'zbek shoirlarining devonlarida vazn masalasi (aruz vazni bo'yicha). Nordic\_Press, 1(0001).